

Смета хужжатларини ишлаб чиқиши бўйича
49/22 - сонли ШАРТНОМА

Навоий ш.

“**21**” ноябр 2022 йил

Бундан буён “Буюртмачи” деб аталувчи “**Навоий ИЭС**” акциядорлик жамияти номидан асосида иш юритувчи бош директор **А.И.Файзиев** орқали ва бундан буён “Бажарувчи” деб аталувчи «**Навоиййўллоиҳа**» масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Н.Б.Жураев** орқали қўйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Буюртмачи “Тасдиқланган нуқсонлар қайдномаси”га аласан қўйидаги ишларни Бажарувчига топширади, Бажарувчи эса ишларни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

“Навоий ИЭС” акциядорлик жамияти КПП-2дан М-37 автомагистралгача автомобиль йўлини жорий таъмирлаш бўйича смета хужжатлари ишлаб чиқиш.

1.2. Бажарилган ишлар “Навоий ИЭС” акциядорлик жамиятини etender.uzex электрон харид танлов комиссиясининг 18 ноябр 2022 йилдаги 22120012187547-электрон баённомаси мазкур шартноманинг ажралмас кисми ҳисобланадиган ва техник топшириқка асосан амалга оширади.

1.3. Шартномада лойиҳа-смета хужжатларини техник шартларни (АПЗ) тайёрлаш билан боғлик бошқа ишлар харажатлари кўзда тутилмаган

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Ишларни амалга ошириш баҳоси ҚҚС билан 19 895 000 (Ўн тўққиз миллион саккиз ўз тўқсон беш минг) сўмни ташкил қиласди.

2.2. Буюртмачи мазкур шартнома имзолангандан сўнг 10 банк куни мобайнида Бажарувчига 100% микдорда олдиндан тўлаб беради.

2.3. Бажарувчи смета хужжатларини тўлиқ ишлаб чиқиб, экспертиза назоратидан ўтказиб, Буюртмачига топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

2.4. Ишнинг бошланиши - Шартнома имзоланган кундан бошлаб.

Ишнинг топшириш муддати 100% тўлов амалга оширилгандан кейин – 10 кун.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни топшириқ, бошқа дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вактида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Бажарувчи смета хужжатларини ишлаб чиққандан сўнг смета хужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирок этишни ўз зиммасига олади.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қиласди.

3.4. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофик бажарилишида Буюртмачи томонидан бажарилиши зарур ишларни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишини ўз зиммасига олади.

3.5. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун талабларига сўзсиз амал қиласди. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган холда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган харакатлар(харакатсизлик)га йўл қўймайдилар.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартнома тугагандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб, Буюртмачига топширилиши керак бўлган хужжатларнинг рўйхати топшириқда белгиланган.

4.3. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топшириқда кўзда тутилган хужжатлар тўпламини топширади.

4.4. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган ҳисобот хужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қиласликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

4.5. Буюртмачи ишларни қабул қиласликнинг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш максадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.7. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.8 Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперtlарга Лойиха бўйича хulosha учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни химоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни химоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Кўшимча шартлар

6.1. Бажарувчи лойихани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-бандига асосан қабул қиласида ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади. Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Иктисодий судида эътиroz тартибига риоя килган ҳолда, куриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни куриб чиқиш муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 15 кун муддатни ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиккан ҳолларда конунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш учун Буюртмачи билан келишган ҳолда учинчи шахсларни жалб қилиш хукуқига эга.

6.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тулов уз вактида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати хам тўлов кечикирилган вактга кадар узайтирилади.

6.7. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган хаки кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.8. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим;

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар тўпламишининг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.9. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.10. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди. Шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача.

6.11. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал килади.

7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

«БҮЮРТМАЧИ»

“Навоий ИЭС” акциядорлик жамияти

Кармана т. Янги ариқ МФЙ
Тел: 227-86-80; факс: 227-86-91
Х/р 20210000900305993001
Саноат қурилиш банки Навоий бўлими
МФО 00207, ИНН 200850647
ОКОНХ



А.И.Фазиев


Фар. № 11
Гл. бу
ПЭО
Врхб Наг. олир

Юрист
инч. ОПМР

«БАЖАРУВЧИ»

“Навоиййўллоиҳа” масъулияти чекланган жамияти

Навоий ш. Навоий кўчаси -18 уй
Тел: 220-13- 47, факс: 220- 13 - 48
Х/р 20208000700356321001
ДАТ Асака банк Навоий шахар бўлими
МФО 00206, ИНН 200003124
ОКОНХ 66000



Н.Б.Жураев

Директор:

Пирмагов Н.Н.
Юлданеев К. Р.

Бозоров Ф. Ф.

Муртезоев О.Б.

Саидов